

## ШАРТНОМА №3.

Риштон шаҳри.

“ 24 ” июн 2022 йил

Бизлар ким имзо чекиб шартнома тузувчилар келгусида «Сотувчи» деб аталувчи **“ZOXIDON ZIYONUR” МЧЖ номидан раҳбар У.Хакимов** бир томондан ва келгусида «Сотиб олувчи» деб аталувчи «Риштон туман Ободонлаштириш бошқармаси» ўз Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар **С.Хайдаров** ушбу шартномани имзолаш билан куйидагилар келишилди.

### ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 “Сотувчи” ушбу шартномага асосан “Сотиб олувчига” ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги ГКТП-160/10-6/0.4 трансформаторларини Чек Жалаер МФЙ.худудидаги кўчаларга етказиб беради, “Сотиб олувчи” етказиб берилган трансформаторларни қабул қилиб олиб, тўлов хужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириб, харажатлар сметасида кўзда тутилган очик бюджет маблағлари доирасида белгиланган тартибда амалга оширади. Товарлар куйидаги спецификацияга асосан берилади:

№	Товар номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Қиймати
1.	Трансформатор ГТПК-250/10-6/0.4	Дона	2	77 540 000	155 080 000
				ЖАМИ:	155 080 000

### II. ШАРТНОМА БАҲОСИ, ТРАНСФОРМАТОР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

- 2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати бир юз эллик беш миллион саксон минг сўмни ташкил этади.
- 2.2 “Сотиб олувчи”га трансформаторларни “Сотувчи”нинг транспортида камида 3 (уч) кун муддат ичида етказиб берилади.
- 2.3 “Сотиб олувчи” «Сотувчи» тақдим этган хужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда “Сотувчи” ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.
- 2.4. Трансформаторлар етказиб бериш даврида нархи ўзгарган тақдирда “Сотувчи” ёки “Сотиб олувчи” ташаббуси билан мазкур шартномага қўшимча келишув шартномаси тузилиши мумкин.
- 2.5. “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га олинадиган товарнинг 30 (ўттиз) фоиз ҳақини олдиндан ўтказиб беради, товарнинг қолган суммасини 30 банк иш куни мобайнида кечиктирмай тўлиқ тўловини таъминлайди.

### III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ.

- 3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 3.2. “Сотиб олувчи” муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган трансформаторларни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 3.3. “Сотиб олувчи” “Сотувчи” томонидан трансформаторларни ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсизини етказиб берилган ҳолатларда шартномани “Сотувчи” ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиши мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

### IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Сотувчи”нинг мажбуриятлари:

4.1 Трансформаторларни қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни «Сотиб олувчи» талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

4.2 «Сотиб олувчи» томонидан сотиб олинган трансформаторларга 3 ой муддат ўтгандан сўнг нарх-наво ва сифатига бўлган даъво «Сотувчи» томонидан қабул қилинмайди.

#### **«Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:**

4.3 Етказиб берилган трансформаторларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

4.4. Трансформаторларни мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш.

4.5. Шартномани амал қилиш даврида «Сотувчи» томонидан давлат манфаатларига зарар етказиш ҳолатлари аниқланган тақдирда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

#### **V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.**

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари ўтиб кетган трансформаторлар етказиб берилган ҳолда «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан бундай трансформаторларни умумий кийматидан 20%, жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ўндириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган трансформаторлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Сотувчи» муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган маҳсулот кийматининг 0,5% миқдорида лекин кечиктирилган трансформаторлар кийматининг 50% дан ошмаган ҳолда «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди.

5.3. Агар «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан олинган трансформаторлар пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган туловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тулайди.

5.4. Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### **VII. ФОРС-МАЖОР.**

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

#### **VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.**

8.1. Мазкур шартнома «Сотиб олувчи», «Сотувчи» томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил « 24 » июндан 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.3. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

#### **IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини оладилар меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини тامينлайди; бир-бирининг томонлари ёки давлат мансабдор

шахсига пора бериш ёки воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий манфаатлардан қочишлик томонлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайди.

9.2 Коррупцияга қарши кураш қондалари бузилганлиги ёки асосли шубҳа туғилганлиги тўғрисида томонлар дарҳол ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бир-бирларини шахс (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бундай ҳолда, томонлар вазиятни аниқлаштириш учун ёзма тушунтиришни талаб қилишга ҳақли. Мулкдор ва мурожаатни қабул қилган томон 10 (ўн) иш куни ичида тушунтириш беришга ёки ўз фикрини билдиришга мажбурдир.

9.3. Ушбу бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан коррупция хавфини белгиланган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда тарафлар томонидан кўрилган чоралар коррупция ҳолатининг пасайишига олиб келади. Акс ҳолда, бошқа томон шартномани бекор қилишга ёки унинг бажарилишини тўхтатиб қўйишга ҳақли.

9.4 Сотиб олувчига етказиб берилган темир бетон таянчлар ва электр жихозлари учун барча тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ҳисоб-варақани расмийлаштириш санаси "Сотиб олувчи" томонидан товарларни қабул қилиш куни ҳисобланади.

9.5 Ушбу шартноманинг барча шартлари календар кунидан кейинги кун ёки муддат бошланишини аниқлаган воқеа содир бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### Х. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

10.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

#### АЛОХИДА ШАРТЛАР.

#### XI. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

«СОТУВЧИ»  
"ЗОХИДОН ЗИЙОНУР" МЧЖ

«СОТИБ ОЛУВЧИ»  
Риштон туман ободонлаштириш  
бошқармаси

Манзил: Риштон тумани Марказ МФЙ.  
Ар-Рошидоний кўчаси 156-уй

Х/В: 20208000905535094001  
СТИР: 309617782

Банкнинг номи: Микрокредитбанк АТБ  
Риштон филиали  
МФО: 00520

Манзил: Риштон тумани Б.Рошидоний кучаси  
№6 уй  
Ш/в\*: 401722860302247065200110005  
Бюджетдан маблағ олувчи: 205014939  
ОКОНХ: 80200

Молия Вазирлиги Ягона Ғазна Ҳисоб варағи  
х/р 23402000300100001010  
Банкнинг номи: Тошкент ш.Марказий банк  
ХККМ  
МФО 00014  
СТИР: 201122919



Раҳбар :  У.Ҳақимов

Раҳбар :  С.Ҳайдаров



# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ DC3420221828

1. Loyi haning turi: ShARTNOMA № 3
2. Loyi haning nomi: **mahsulot yetkazib berish to'g'risida**

Umumiy summasi 155 080 000 (bir yuz ellik besh million sakson ming) so'mlik GKTP-160/10-6/0.4 transformatorlarni Chek Jaloyer MFY hududidagi ko'chalarga yetkazib berish bo'yicha "Zohidon Ziyonur" ma'suliyati cheklangan jamiyat rahbari U.Xakimov va Rishton tuman Obodonlashtirish boshqarmasi rahbari S.Haydarovlar o'rtalarida tuzilgan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi "Zohidon Ziyonur" ma'suliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun Rishton tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 23.06.2022 yilda kiritilgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

## XULOSA:

Loyiha O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Budget kodeksining 122-moddasi 8-bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



B.I.Bo'riyev